

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб –тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилади.

1. ТАНЛОВ ПЕРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Дехқонобод туман Халқ таълими бўлими томонидан, Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Ғўрати МФЙ да жойлашган 38-мактабни жорий таъмирлаш учун малакали мутахасисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати 41710000 (Қирқ бир миллион етти юз ўн минг) сўм Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. **Ушбу танлов якунлари бўйича Ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Дехқонобод туман халқ таълими бўлими (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: *Dehqonobod tumani. Qorashina aholi punkti Istiqlol ko'chasi indeks:180400*

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан ўтказилган ва белгиланган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда булгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда Мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатла;

- танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларининг мўлжалланаётган ҳа50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта таўкил этилиш, (ажратилиши, қўшилиш). Тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари- талабгор ташкилотлар танлов предмети лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов твклифини тузиш учун буюртмачига (танлов твшкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Дехқонобод туман Халқ таълими бўлими

мудирини  Б.Юсупов

« 20 » 08 2022 йил

Кашкадарё вилояти Дехқонобод туманида жойлашган 38-мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан ҳамда лойиха – смета ҳужжатлари ва экспертиза ҳулосасига асосан жорий таъмирлаш хизматлари буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Маҳсулот ва хизмат номи	Жорий таъмирлаш
2	Буюрмачи	Дехқонобод туман Халқ таълим бўлими
3	Буюртмачи учун асос	38-мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари
4	Иш хизматлари Бажариладиган манзил	Дехқонобод туман Ғўрати МФЙ да жойлашган 38-умумий мактаб
5	Катнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида курсатилган ишларни уз вақтида ва сифатли бажариб бериш
6	Тижорат таклифларини таклиф этиш шартлари	Хизмат курсатувчи корхонанинг низом, Ғувоҳнома, солиқ ва мажбурий туловлардан қарзи йўқлиги ва йирик солиқ туловчи эканлиги ҳақида маълумотнома, ишчилар рўйхати, механизмлар рўйхати олдин шу каби объектларда ишларни амалга оширганлиги тугрисида маълумот ёки тавсиянома
7	Бажариладиган ишлар ҳисоб китоби	Бажариладиган ишлар буйича ҳисоб китоблар тузилган Ф-2 га қараб ва далолатномага мос равишда амалга оширилади.
8	Иш хизмат тури	Жорий таъмирлаш
9	Иш хизматларини бажариш муддати	Шартномага асосан.
10	Техник меҳнат ҳафсизлиги буйича талаблар	Иш хизматларини бажариш жараёнида меҳнат ва техника ҳафсизлиги қоида ва талабларига риоя этиш.
11	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
12	Бажариладиган ишлар қиймати таклифи	41 710 00 000 (Қирқ бир миллион етти юз ўн минг) сўм

Бош ҳисобчи:



Х.Одинаев

Бош муҳандис :



М.Ибрагимов

Давлат харидлар буйича мутахасис




Д.Дўсанов

Шартнома буйича мутахасис

У.Ҳазратов

Товар моддий қиймат сақлаш буйича мутахасис



Н. Қаюмов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Дехқонобод туман Халқ таълими бўлими

мудирини  Б.Юсупов



БУЮРТМАЧИ:

Дехқонобод тумани Гўрати МФЙ да жойлашган 38-мактабни жорий таъмирлаш ишлари